



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 6 март, № 45 (7275)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЎМИРЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни кўмир қазиб олиш тармоғини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Кўмирчилик ёқилғи-энергетика таъминотининг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодий тармоқлари, аҳолининг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ муҳим соҳалардан биридир. Юртимизда ҳар йили аҳоли хонадонларига 1 миллион тонна, ижтимоий соҳа объектларига 400 минг тонна кўмир етказиб берилди. Янги Ангрэн ва Ангрэн иссиқлик электр станцияларида энергия ишлаб чиқариш учун 4 миллион тонна кўмир ёқилди.

Йиғилишда конларнинг салоҳияти юқори бўлса-да, кейинги йилларда кўмир қазиб чиқариш режалари ба-жарилмаётгани, тармоқдаги тизимли муаммолар бартараф этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Масалан, конлардаги техника ва технологиялар эскирган. Асосий хом ашё базаси бўлган Ангрэн конида янги шахталар очиб ишларни ортада қолган. Карьерларнинг қиялик бурчаги белги-ланган меъёрдан ошиб, қазиб ишлари хавфли даражага етган.

Шу каби масалаларни тез ва самарали ҳал этиш учун "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятини профессионал ташки бошқарувга бериш мўлжалланмоқда.

Йиғилишда Ангрэн конидаги ҳолатни яхшилашга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Иқтисодий тармоқлари ва аҳолининг яқин ҳамда узоқ истиқболда кўмирга бўладиган талабини максимал даражада қоплаш учун Ангрэн конини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз "Ўзбек-кўмир" акциядорлик жамия-тининг молиявий барқарор-лигини мустақамлаш маса-ласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Молия ва Энерге-тика вазирликларига кўмир нархи тарифларини опти-маллаштириш, тармоқнинг рентабеллигини ошириш, инвестиция харажатларини қоплаш бўйича топшириқлар берди.

Кон очиб ишларини са-марали ташкил этиш учун транспорт воситалари пар-кинни янгилаш лозимлиги кайд этилди. Мутасаддилар-га зарур самовал ва бошқа махсус техника воситалари-ни энг мақбул тақдирлар асосида харид қилиш вази-раси кўйилди.

Шунингдек, бугунги кун-да қазиб олиш ишларида фойдаланилмаётган техни-калардан воз кечиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш чораларини кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ангрэн конининг жанубий чегарасига яқин жойда яшаётган аҳоли хавфсизли-гини таъминлаш масалалари-га ҳам эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасига юқорида кайд этилган маса-лалар, хусусан, "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш, бу борада профес-сионал ташки бошқарувчи-ни жалб этиш, тармоққа за-монавий технологияларни жорий қилиш ва кўмир си-фатини ошириш бўйича ком-плекс чора-тадбирлар да-стурини ишлаб чиқиш юзаси-дан топшириқлар берилди.

Муҳокама қилинган маса-лалар юзасидан мутасадди-лар ахборот берди.

Ў.А.

АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ҲАМДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2019 йил 5 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кун тартибидеги дастлаб-ки масала — «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Рес-публикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-дексида ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг муҳо-кама қилиниши.

Қайд этилганидек, кейин-ги йилларда юртимизда ҳай-вонот ва ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бормоқда. Маса-лан, бу борада 2016 йилда 4 102 та, 2017 йилда 5 245 та, 2018 йилда эса 6 043 ёки 2017 йилдагига нисбатан 15 фоиз ортик ҳуқуқбузарлик

содир этилган. Айниқса, ов қилиш, балиқ овллаш соҳа-сида ёхуд доривор ва озқа-боп ўсимликлар турларини йиғиш ёки тайёрлаш тарти-бини бузиш билан боғлиқ жиноятлар сони ошаётгани та-виши уйғотмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 2 февралда ўтказил-ган Экология ва атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарларининг хисоботига бағишланган йи-ғилишда берилган топши-риққа биноан, қўмита томо-нидан ишлаб чиқилган маз-кур қонун лойиҳаси Жиноят кодексида белгиланган, ҳай-вонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ

жиноятлар ҳамда Маъмурий жавобгарлик кодексида кўзда тутилган ҳуқуқбузар-ликларни содир этгани учун жавобгарликни кучайтириш йўли орқали жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олди-ни олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳада про-филактик тадбирларни яна-да кучайтиришга, фуқаролар-дан, жумладан, ҳайвонот, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳо-фаза қилиш борасида масъ-улиятини оширишга, махсус ваколатли давлат органлари

иш фаолиятини тезкор ва самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳа-сини муҳокама этдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 июлдаги «Ўзбе-кистон Республикасида атом энергетикасини ривожланти-риш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги Фармони асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда атом энергиясидан фойдала-нишни тартибга солувчи ма-хсус қонунга бўлган ҳаётий эҳтиёжни таъминлашга қа-ратилган.



МЎЎТАБАР АЁЛЛАРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Мамлакатимиз бўйлаб баҳорнинг илиқ ва ёқимли шукуҳи ке-зиб юрган шу кунларда хотин-қизларимиз учун яна бир аjoyиб совға тақдим этилди. Президентимизнинг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳа-сидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони-га кўра таъин этилган "Мўътабар аёл" кўрак нишони ўз соҳибалари-га топширилмоқда.



Муҳоммад АМИН (Ў.А.) олган сурат.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида ташкил этилган тантанали маросимда пой-тахт шаҳри ҳамда вилоятдан келган мунис опа-син-гиллар, нуруний онахонлар қатнашди. Оиласида, жамия-тда ўзининг фидокорона меҳнати, ташаббускорлиги ва жонқуярлиги билан наму-на бўлган бир гуруҳ опа-сингилларимиз мазкур нуфузли мукофотга лойик, деб топилди.

Қайд этиш жоиз, эъти-рофга муносиб кўрилганлар-нинг 83 нафари республика идоралари ва ташкилотлари тавсияси асосида, шунинг-дек, хотин-қизлар тизимида

намунали фаолият олиб бораётган, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ходимлари, таълим, соғлиқ-ни сақлаш тизимидаги фидойилар, меҳнат фахрий-лари, кекса онахонлар ва оилаларда маънавий-ахлоқ-қий қадриятларни мустақ-амлаш бўйича мутахассис-лардан иборат.

Маҳалла фуқаролар йи-гинлари раислари, тадбир-кор аёллар ҳамда фермер-лик билан шуғулланиб, эл дастурхони тўқинлигига са-марали хисса қўшаётган фермер аёллар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Шу муносабат билан 8 март — Халқаро хотин-қиз-лар куни байрами арафаси-да бўлиб ўтган тантанали тадбирда кўрак нишони ва унинг гувоҳномасини муко-фотланганларнинг бир қисмига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева топшир-ди. Умуман олганда, мам-лакатимизнинг турли нукта-ларига ўзининг ибратли фаолияти билан эл назари-га тушган 290 нафар хотин-қиз "Мўътабар аёл" кўрак нишони билан тақдирланди.

Шунингдек, кеча пойтах-тимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "O'zbekim ayoli" миллий му-кофотининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Унга адабиёт, санъат, маданият, бадий ижод ва бошқа жабҳаларда узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, онахонлар, ёш ижодкорлар, кенг жамоат-чилик вакиллари тақлиф этилди.

Тадбирда "O'zbekim ayoli" миллий мукофоти ўз соҳи-баларига тантанали тарзда топширилди.

Мафтуна АЗИЗОВА.

(Давоми 2-бетда).

Хукумат соати

ДЕПУТАТЛАР СУЎЛТИРИЛГАН ГАЗ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАРНИ КЎТАРДИЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги "Хукумат соати"га куйи палатадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан "Аҳолини суўлтирилган газ билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилатган чоралар тўғрисида"ги масала киритилди.

Мазкур масала юзасидан ахборот бериш ҳамда депу-татлар саволларига атроф-лича жавоб қайтариш учун куйи палатага Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва санаот вазири Ботир Ходжаев тақлиф этилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳ-камасининг 2018 йил 10 ав-густдаги "Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кун-далик ҳаётда фойдаланиш учун суўлтирилган углеводо-род газини етказиб бериш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарори жой-ларда аҳолини қийнаб ке-лаётган долзарб муаммо-лардан бирини ҳал этишга қаратилган.

Вазир ўз ахборотида таъ-кидлаганидек, аҳоли ва иж-тимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдала-ниш учун суўлтирилган уг-леводород газини етказиб

бериш тартиби ҳамда аҳоли учун белгиланган нархлар бўйича истеъмол қилувчи ижтимоий соҳа объектлари рўйхати тасдиқланган. Бу борада ҳозирги кунга қадар қатор ишлар амалга оши-рилган. Айни пайтда респу-блика бўйича жами 3,3 мил-лионга суўлтирилган газ абоненти бўлиб, газ таъми-ноти корхоналари томонидан жами 3,4 миллион дона маиший газ баллони етказиб берилган. Бундан ташқари, аҳолининг шахсий 1,1 мил-лион дона газ баллони бор. Яъни абонентлар сонига нисбатан таъминланганлик даражаси 137 фоизни таш-кил этади. Қолаверса, шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республика бўйича 2,1 миллионга ижтимоий соҳа объектларига суўлтирилган газ етказиб берилмоқда.



ЦЗЯН Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва мухтор элчиси: МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК УЛКАН ИСТИҚБОЛГА ЭГА

Хитой ва Ўзбекистон — Буюк Илқ йўлидаги қадим тамаддун, илмий тадқиқотлар ҳамда технологиялар борасида кўп асрлик қадриятларга эга, бугунги кунда инновацияларга юксак эътибор қаратаётган мамлакатлардир.

Дўстлик ришталари

Хитойда ислохотлар ва очилки сиебатини амалга ошириш жараёнида илм-фан ҳамда таълимни равнақ топтириш, давлат томо-нидан истеъодларни қўллаб-қувватлаш хисобига мамла-катни янада ривожлантириш

стратегияси ҳаётга татбиқ этиляпти. Пировардида ил-мий-техник ишлаб чиқариш сифат жиҳатидан янги бос-қичга кўтарилди. Охириги икки йилда Ўзбекистонда ҳам илмий-техник тараққиёт, инновацияларни қўллаб-



қувватлаш, профес-сионал кадрларни тайёрлаш ва жалб этишни кучайтиришга қаратилган қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди.



ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМФАРМАСИ МИССИЯСИНING ХУЛОСАСИ

Икки ҳафта давомида Халқаро валюта жамфармасининг Ўзбекистон бўйича миссияси томонидан мамлакатимизнинг жорий макроиқтисодий ҳолати таҳлил қилинди.

Хўш, таниқли экспертлар-нинг хулосалари қандай? Улар барқарор иқтисодий ўсиш суръатини таъминлаш, эҳтимолий ташқи ва ички хавфларнинг олдини олиш бўйича қанақа тавсиялар беришмоқда?

Бу каби масалалар нафа-қат юртдошларимиз, балки чет эллик ҳамкорлар ва ин-весторларни қизиқтираётган турган гап. Бинобарин, Альберт Егер раҳбарлигидаги ХВЖ делегацияси томо-нидан тақдим этиладиган ху-лоса ҳақон ҳамжамияти то-

монидан Ўзбекистондаги мавжуд вазият ҳақида ишончли ва холис ахборот сифатида қабул қилинади. ХВЖ келишув моддалари-нинг IV банди бўйича масла-хатлар доирасидаги жамфар-ма миссиясининг юртимиз-га ташрифи якуналарига ба-ғишлаб ташкил этилган мат-буот анжуманида юқоридagi саволларга батафсил жавоб берилди.

— Ўзбекистоннинг иқтисо-

дий ривожланиш истиқбол-лари бўйича хулосамиз мутла-қо ижобий, — дейди Халқ-аро валюта жамфармасининг Ўзбекистон бўйича миссия-си раҳбари Альберт Егер. — Ялпи ички маҳсулотнинг ўсishi 5,5 фоиздан юқори бўлиши кутиляпти. Келгуси-да инвестициялар оқими ортishi, қўллаб янги иш ўринлари очилишига ишон-чилик комил. Бирок хавотир-ли жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Бу — кредитлаш масаласи.

— Ўзбекистоннинг иқтисо-

дий ривожланиш истиқбол-лари бўйича хулосамиз мутла-қо ижобий, — дейди Халқ-аро валюта жамфармасининг Ўзбекистон бўйича миссия-си раҳбари Альберт Егер. — Ялпи ички маҳсулотнинг ўсishi 5,5 фоиздан юқори бўлиши кутиляпти. Келгуси-да инвестициялар оқими ортishi, қўллаб янги иш ўринлари очилишига ишон-чилик комил. Бирок хавотир-ли жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Бу — кредитлаш масаласи.

— Ўзбекистоннинг иқтисо-



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзодни рад этган тақдирда, Бош вазир қўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади;

саккизинчи – ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **ўн иккинчи – ўн саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **8-модда:** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Бош вазир Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари билан биргаликда ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади»;

учинчи – тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 432-II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) **8-моддаси биринчи қисми 15-бандининг иккинчи хатбошиси** «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434-II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисми 15-бандининг иккинчи хатбошиси** «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **9-модданин 4-банди** қуйидаги мазмундаги **4 ва 5-бандлар** билан алмаштирилсин:

«4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзодларни кейинчалик уларни Ўзбекистон

Республикаси Президенти томонидан лавозимларга тасдиқлаш учун қўриб чиқиш ва маъқуллаш қиради».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **22I-модда** билан тўлдирилсин:

«**22I-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзодларни қўриб чиқиш ва маъқуллаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзод у масъул қўмита, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда қўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида қўриб чиқилади ва маъқулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимига номзод унинг номзоди Қонунчилик палатасида қўриб чиқилаётганда ва маъқулланаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, астиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутуви ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзодни рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир қўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади»;

2) қуйидаги мазмундаги **32I-модда** билан тўлдирилсин:

«**32I-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини қўриб чиқиш**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чорақда Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Қонунчилик палатасининг фракциялари, депутатлар гуруҳлари, қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини дастлабки тарзда қўриб чиқди ҳамда Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини қўриб чиқиш якунлари бўйича қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини қўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил № 1, 1-модда) қуйидаги мазмундаги **31I-модда** билан тўлдирилсин:

«**31I-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини қўриб чиқиш**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чорақда Сенатга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Сенатнинг қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини дастлабки тарзда қўриб чиқди ҳамда Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини қўриб чиқиш якунлари бўйича қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини қўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган Сенат қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Парламент назорати**

тўғрисида»ги ЎРҚ-403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **5-модданин биринчи қисми:** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини қўриб чиқиш»;

тўртинчи – ўн бешинчи хатбошлари тегишинча **бешинчи – ўн олтинчи хатбошлар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **8I-модда** билан тўлдирилсин:

«**8I-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини қўриб чиқиш**

Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чорақда Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини дастлабки тарзда қўриб чиқди ҳамда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Қонунчилик палатаси, Сенат Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини қўриб чиқиш якунлари бўйича қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини қўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси, Сенат қарори Вазирлар Маҳкамасига юборилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун 2019 йил 1 апрелдан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 5 март
№ ЎРҚ-527

АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ҲАМДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Лойиҳа атом энергиясидан фойдаланишни таъминлаш тизими учун ҳуқуқий асосларни яратиш, атом энергияси тўғрисида амалдаги барча меъёр ва қоидаларни унификация қилиш, уларни Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро мажбуриятлар билан мувофиқлаштириш, атом энергиясидан фойдаланишда юридик шахслар ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий қонунчиликка ҳорижий давлатларнинг энг самарали тажрибаси ҳамда механизмларини жорий этишни назарда тутади.

Қонун лойиҳаси билан атом энергетикаси соҳасида Вазирлар Маҳкамаси, атом энергетикасини ривожлантириш, ундан давлат сиёсати ва стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича ваколатли орган — Энергетика вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузурдаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги («Узатом»

агентлиги) ҳамда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари белгиланмоқда. Атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида хавфсизликни давлат томонидан тартибга солиш тизими жорий этилмоқда.

Парламент аъзоларининг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, атом энергетикасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилади. Атроф-муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг салбий таъсиридан муҳофазалаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш тизимини шакллантириш ҳамда авария ҳолатларининг пайдо бўлиш хавфини минималлаштириш мақсадида атом энергиясидан фойдаланишда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишга қўмақлашади.

Мажлисида қўриб чиқилган яна бир муҳим ҳужжат — «Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (2001 йил 22 май, Сток-

гольм) ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам қизил-муҳокама сабаб бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақида»ги конвенция 2001 йил 22 майда Сток-

гольм шаҳрида қабул қилинган ва 2004 йилдан кучга кирган. Ҳозирги кунда 182 та мамлакат конвенция иштирокчиси ҳисобланади. Етакчи давлатлардан АКШ,

Италия ва Исроил конвенцияни имзолаган бўлса-да, ратификация қилмаган. МДҲ давлатларидан фақат Ўзбекистон ва Туркменистон ушбу конвенцияга қўшилмаган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси мажбурий характерга эга, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни турғун органик ифлослантирувчи моддалардан муҳофазалаш мақсадида уларни кескин қисқартиришга, ташланмаларини тўхтатишга ҳамда одам организмидан ва экотизимларда қайта тикла бўлмас ўзгаришларга олиб келувчи 12 та хавфли бирикма (кейинги тўлдиришларни ҳисобга олган ҳолда 26 та модда) ишлаб чиқарилишини, ишлатилишини чегаралаш ёки тақиқлашга йўналтирилган конвенцияни ратификация қилишни назарда тутади.

Депутатларнинг қайд этишича, конвенцияни ратификация

қилиш Ўзбекистон Республикасига турғун органик ифлослантирувчи моддалар билан боғлиқ экологик ҳолатнинг яхшиланishi, аҳоли, атроф-муҳит, усимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишга ёрдам беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи имтиёзлари бош тизимига қўшилиши ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш имконини яратади.

Баҳс-мунозара, қизгин муҳокамалардан сўнг мазкур қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида, шунингдек, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАРНИ КЎТАРДИЛАР



2019 йилда суюлтирилган газ манбалари ва тақсимоти балансига кўра, жорий йилда 806,1 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилиб, шундан 474,7 тоннаси ёки ўтган йилдагига нисбатан 60,7 минг тонна кўпроги аҳолининг маиший эҳтиёжлари учун етказиб берилиши белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги қароридан суюлтирилган газ, асосан, аҳолининг ўсиб бораётган маиший эҳтиёжларини қоплаш учун йўналтирилиши белгиланганини инобатга олиб, суюлтирилган газни биржада сотиш миқдори йилдан-йилга камайиб боришмоқда.

Қисқача айтганда, соҳада амалга оширилаётган ибратли ишлар талайгина. Аммо айни йўналишда Ҳукумат даражасида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинганга қарамай, ҳудудларда аҳоли эҳтиёжлари учун суюлтирилган газ етказиб беришда кўплаб камчиликларга ҳам йўл қўйилляпти. Депутатлар вазирга бу борадаги ма-

сасалар, аҳоли кўтароётган муаммоларга кўра, 20 килограмми маиший газ боллонларига кўп ҳолларда меъёрдагидан кам қўйлаётганини истеъмолчиларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ёки газ олиш учун келган аҳоли вакилларининг банк пластик картаси орқали тўловни амалга ошира олмаслиги нуқулаллик келтириб чиқараётганига доир фактлар ҳам бор.

Вазир депутатлар саволларига жавоб қайтарар экан, бундай салбий ҳолатлар учраб турганини, бу масалада вазирлик томонидан жиддий назорат олиб борилаётгани, камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан чоралар қўрилаётганини қайд этди. Уз навбатда, бу борада қилиниши керак бўлган ишлар, назорат қилувчи ва бошқа мутасаддилар масъулиятини янада ошириш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди.

«Ҳукумат соати» доирасида берилган савол-жавоблардан келиб чиқиб, депутатлар томонидан вазирик фаолиятида йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

Ўз навбатда, «Ҳукумат соати»да кўтарилган муаммолар ва уларнинг ечим юзасидан парламент қўйи палатасига қўшимча равишда маълумот тақдим этилиши маълум қилинди.

Ийгилиш якунида аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар юзасидан самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Янги қонунлар ЕР РЕСУРСЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШДА МАСЪУЛИЯТ ОШАДИ

Қуни кеча Президентимиз томонидан «Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун имзоланди ҳамда матбуотда эълон қилинди. Уч ойдан сўнг кучга қирадиган ушбу ҳужжат билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Ер ҳамда Солиқ кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ер эгалари, ундан фойдаланувчилар, ижарачилар ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, Солиқ кодексининг 84, 329 ва 330-моддаларига киритилган қўшимчаларга асосан, ер ресурсларини ҳисобга олишни амалга оширувчи органлар ер участкасига бўлган ҳуқуқи юзага келган (туғатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилгани (туғатилган) тўғрисида, шунингдек, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатсиз ёки ҳужжатда кўрсатилганига нисбатан катта ҳажмдаги ер участкаларидан фойдаланилганлик, ер участкасига бўлган эгалик қилиш, фойдаланиш, ижара ва мулк ҳуқуқининг рўйхатдан ўтказилмагани ҳоллари ҳақида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига мазкур ҳоллар аниқланган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда маълум қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ер ресурсларини ҳисобга олишни амалга оширувчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ҳар бир қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи бўйича қишлоқ ҳўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида Давлат солиқ қўмитасига ҳар йили январь ойининг биринчи ўн кунлигида, йил давомида норматив қиймат ўзгарган тақдирда, ўн кунлик муддатда электрон шаклда ахборот тақдим этилиши талаби мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилгани билан боғлиқ даяволар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳамда иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиниши кўзда тутилган.

Қишлоқ ҳўжалиги ерларига (қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши) энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан кўп бўлган миқдорда зарар етказилганда, «Ер-геодекадастр» давлат қўмитасининг мансабдор шахслари қоплаш юзасидан судга мурожаат қилиш заруратини вуқудга келтиради. Аммо давлат божини тўлаш учун маблаглар йўқлиги сабабли давлат назоратини амалга оширувчи «Ер-геодекадастр» давлат қўмитасинин

ЦЗЯН Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК УЛКАН ИСТИҚБОЛГА ЭГА

Инновацион ривожланиш вазири фаолияти йўлга қўйилди. Давлат тузилмалари, шаҳарсозлик, иқтисодиёт, таълим, кишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларга илғор илмий-техник ечимларни жорий этишга бўлган интилиши кўзга аёққол ташланяпти.

Осиёда ўсадиган ўнлаб доривор ўсимликларнинг фармакологик хусусиятлари бўйича фундаментал тадқиқотлари яқунга етказилди. Ўрта ва кичик ёшдаги йигирмадан ортиқ мутахассислар тажриба алмашиш мақсадида мун-

тахтига хитойлик кардиолог, профессор Пан Сянбин ташриф буюрди. У юрак-қон томир тизимида касали бор маҳаллий беморлар билан етти та жаррохлик амалиётини ўтказди, ўзининг янги на- долаш техникаси билан ўртоқлашди,

тоннинг табиий маҳсулотларини тадқиқ қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун 2018 йилда ХХР ҳукуматининг "Дўстлик" муқофотиغا лойиқ, деб топилди.

Коммуникация соҳасида шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, мобиль телефонларнинг Хитой брендлари ўзбекистонлик фойдаланувчилар, айниқса, ёшларга манзур бўлаётди. ХХРнинг коммуникация компаниялари жамоатчилик хавфсизлиги, энергетика, таълим, тиббиёт бўйича замонавий ечимларни Ўзбекистон ҳукумати, айни чоғда катта миқдорда иш ўринлари яратётган, АКТ соҳасида юқори малакали қўлпа- мутахассислар тайёрлаб келаётган ма- ҳаллий солиқ тўловчилар ҳамда иш- билармонлар бўлиш корхоналарга тақ- дим этиб келяпти. Бу ҳам илмий-тех- ник ҳамкорлиқнинг иқтисодий ва иж- тимоий фойдасини кўрсатиб турибди.

Кишлоқ хўжалигида томонлар пах- тани культивация қилиш ва тадқиқ этиш бўйича яқин ҳамкорликни қўллаб-қувват- ламоқда, кўп тармоқли иссиқхоналар, мембранали томчилатиб сугориш ва бош- қа жабхаларда пилот лойиҳалар бошлаб юборилган. Сирдарё вилоятидаги "Пан Шэнь" саноат паркида Ўзбекистон ҳуку- мати томонидан ажратилган 237 гектар кишлоқ хўжалиги ерлари ўзлаштирил- япти. 2018 йилда Хитойдан паркка томчилатиб сугориш учун аграр техни- ка ва асбоб-ускуналарнинг тўлиқ маж- муи олиб келинди. Хитой Кишлоқ хўжа- лиги фанлари академиясининг Пахта

илмий-тадқиқот институти билан ҳам- корликда Ўзбекистонда гўза селекция- си ва экиш бўйича тажрибалар ўтказил- ди. Дастлабки натижалар кишини хайратга солади.

Шўрхок ерларга келадиган бўлсак, хитойлик аграр ва илмий-техник соҳа ишчилари сугориладиган гуруҳни чўлда етиштириш бўйича муваффақиятли таж- рибани қўллаган ҳолда, Қорақалпоғис- тон Республикасидаги шўрхок ерларда сугориладиган гуруҳни экиш бўйича тажриба олиб боришяпти. Улар маҳал- лий аграр ишлаб чиқариш жабҳасига Хитой ҳиссасини қўшиш йўлида астой- дил ҳаракат қилишмоқда.

Археология соҳасида Хитой мада- ний ёдгорликлари миллий бюроси, Хитой Ижтимоий фанлар академияси ва Хитой Шимоли-Ғарбий университетини ҳамда бошқа муассасалар Ўзбекистон билан ҳамкорликда қадимги ёдгорлик- ларни қазийш ва реставрация қилиш, Буюк Ипак йўлининг тарихий қиёфаси- ни тиклаш бўйича фаол иш олиб бор- моқда. ХХРдан келган бир гуруҳ архео- логларнинг профессионаллиги, улар- нинг улкан вайроналарда иш олиб бо- риш бўйича анъанавий ва замонавий услублари ҳамда технологияларга жа- воб берадиган ёндашувлари халқаро даражада кенг тан олинган. Мингтепа ва Бойсун-Работдаги қазилмалар Мар- казий Осиё археологларининг муҳим академик ютуғига айланди.

Хитой ва Ўзбекистон стратегик ше- риклардир. Мамлакатларимиз муноса- батлари ва кўп қиррали икки томонла- ма ҳамкорлигида деярли қамраб олин- маган соҳа йўқ, шу жумладан, ўзаро илмий-техник алоқалар ҳам улкан са- ломатига эга. Ҳамкорлик бўйича Хитой — Ўзбекистон ҳукуматлари кўмита ҳузуридаги Илмий-техник ҳамкорлик бўйича кичик кўмита, ШХТ майдонлари ва икки ҳамда кўп томонлама шерик- ликнинг бошқа механизмларида яқин алоқалар мазмуни кенгайтиб, даражаси ошиб бораверади.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМФАРМАСИ МИССИЯСИНING ХУЛОСАСИ

Ўтган йили кредитлаш ҳажми кес- кин ўсган. Бунинг оқибатида нарх- наво ошиши, инфляция даражаси ўсиши мумкин. Бундан Ҳукумат ха- бардорлиги ва зарур чора-тадбир- лар қўрилайётгани эътиборга молик- дир.

Ўзбекистонда монетар сиёсат тўғри юритилмапти. Пул-кредит сиё- сати ҳақида тўхталганда, инфляция даражаси нисбатан юқори бўлиши кутилаётганини айтиш жоиз. Прогнозларимизга кўра, 2019 йил- да бу борадаги кўрсаткич 15 фоиз- га етиши мумкин.

Марказий банк бошқаруви раиси Мамаризо Нурмуратовнинг айтиши- ча, ХВЖ Ўзбекистон бўйича миссия- си хулосасидан келиб чиқиб, эҳти- молий ҳатарларни бартараф этиш- га қаратилган "йўл харитаси" ама- лиётга татбиқ қилинади. Бунда асосий эътибор валюта сиёсатини янада либераллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳар кан- дай кичик тўсиқларни ҳам олиб таш- лаш, кулай инвестиция муҳитини яратиш ва самарали пул-кредит сиёсатини юритишга жиҳдий эъти- бор қаратилади.

— Пул-кредит сиёсатини такомил- лаштириш, ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлашга қар- тилган чора-тадбирларимиз ХВЖ му- тахассислари томонидан ҳам маъқу- ланмоқда, — дейди М. Нурмуратов. — Бу жараёнда ўрта муддатда инфля- цияни таргетлашни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Агар ўтган йили январда халқаро мутахассис- лар инфляция даражаси 20 фоизга етиши бўйича прогноз қилган бўлса, йил охирига келиб, амалда бу кўрсаткич 14,3 фоизни ташкил этди. 2019 йилда ҳам ана шундай самар- али чора-тадбирлар қўлланилиб, инфляция даражаси 13,5 — 15 фоиз атрофида ушлаб турилади.

Анжуманда Ўзбекистон Респуб- ликаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Аҳадбек Хайдаров мам- лакатимизда макроиқтисодий барқа- рорликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида юқори ўсиш суръат- ларига эришиш борасида белгилан- олинган вазифалар, уларнинг ижро- си ҳақида маълумот берди.

Саид РАҲМОНОВ («Халқ сўзи».)

Сенатор минбари

ЎЗБЕКИСТОН ИМИДЖИГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

"Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклаштириш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли Конвенциясини (Женева, 1976 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонун кунини кеча Президентимиз томонидан имзолади. Ҳужжат билан мамлакатимиздаги меҳнат муносабатларини халқаро андозалар асосида ташкил этиш учун муҳим қадам қўйилди.

Мазкур халқаро Конвенциянинг ратификация қилиниши — ҳодимлар, иш бевуричлар вакиллик органлари ва Ҳукумат ўртасида уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш учун ҳуқуқий асослар яратди. Яъни унинг ижросига масъул ваколатли давлат органи томонидан Халқаро меҳнат ташкилотига йиллик маълумотлар тақ- дим этилади. Бунинг учун мазкур

орган давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлар ҳамда меҳнатқашлар вакиллик органлари ўртасида ахборот алмашуви таъминлайди. Мам- лакатда бу борада олиб борилаётган ишлар тизимли равишда умумлашти- рилади, таҳлил қилинади ва ҳар то- мон ўзи учун зарур тегишли хулоса- лар чиқаришга замин яратилади. Бундан ташқари, Барқарор тарақ-

қий мақсадлари ва Минг йиллик та- раққиёт мақсадларининг тўлақонли ижросини таъминлаш ҳам мазкур Конвенция нормаларига бевосита боғлиқ.

Конвенциянинг ратификация қилинган халқаро меҳнат стандар- тларини миллий қонун ҳужжатларига жорий этиш, халқаро ташкилотлар билан алоқаларда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантиришга кўмаклашади. Ҳаракатлар стратегия- сида белгиланган вазифаларнинг амалда тўлақонли ўрбёга чиқари- лётганини кўрсатади.

Тоҳир БАҲРОНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ПАРЛАМЕНТАР ДИПЛОМАТИЯ РИВОЖИ — ЯНГИ БОСҚИЧДА

Сўнгги йилларда парламент дипломатиясини ривожлантириш ва халқаро алоқаларда унинг ўрнини кучайтириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди.

Германия, Буюк Брита- ния, Бельгия, Канада, Япо- ния, Корея Республикаси, Италия, Франция, Болга- рия, Латвия билан пар- ламентлараро муносабат- лар ривожланиб, ўзаро ҳам- корлик гуруҳлари ташкил этилди. Бундай амалий ва жонли мулоқот ўзаро ишонч- ни мустаҳкамлаш ҳамда ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Парламен- тараро Ассамблеяда ўз фао- лиятини тиклади. Ўтган йил- нинг ноябрь ойида МДҲ Пар- ламентлараро Ассамблея Кенгашининг 48-йўлгишида Мустақил Давлатлар Ҳам- дўстлиги иштирокчи давлат- ларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенция имзоланди. Шу билан мамлакатимиз мазкур халқаро ташкилотнинг тў- лақонли аъзосига айланди.

Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тиллари, адабиёти, тарихи, маданияти, халқаро муносабатлари, шунингдек, хорижий Шарқ минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнлари ривожланишини ўргатувчи Марказий Осиёдаги йирик ва нуфузли олий ўқув юртиларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда институтда 7 та бакалаврият йўналиши ҳамда 10 та магистратура мутахассислиги бўйича таълим олиб борилади. Қўйида 2018/2019 ўқув йилида институтни мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат гранти ҳамда тўлов контракт асосида битираётган талабалар ҳақидаги маълумотлар вилоятлар кесимида берилган. ТошДШИ раҳбарияти республикамиздаги давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларидан мавжуд вакант иш ўринлари ҳақида маълумот беришларини сўрайди.

2018/2019 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик институти битирувчилари тўғрисида маълумот

Table with columns for region (e.g., Toshkent, Fergana, Chirchik), exam type (e.g., Bachelor's, Magistrate), and student counts (e.g., Jami, Grant, Contract).

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: 71-233-34-24, 95-194-40-70.

ЭХТИЁЖМАНДА ОИЛАЛАРГА БЕПУЛ КЎЧАТ

Қашқадарё вилоятида эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган ҳамда ёш оилалар хонадонларида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига 60 мингдан ортиқ меваги дарахт кўчатлари экилди.

Саховат

— Маҳалла тавсияси, шунингдек, хонадондаги мавжуд ер майдонига қараб ҳар бир оилга 6 тудан 14 тугача, ўн турдан ошқ меваги дарахт кўчатлари тарқатилмоқда. — дейди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қамаш тумани кенгаши мутахассиси Урол Жовлиев. — Хонадон эгалари кўчат турини ўзлари танлаб олишяпти. Урмон хўжаликлари томонидан барча туман ва шаҳарларга олма, бо-

дом, ўрик, шафтоли, гилос, олча, анор, беҳи, ёнғоқ ҳамда можжевельник, жами 22 минг тупдан ортиқ меваги ва манзарали дарахтлар кўчатлари аҳоли хонадонларига экиш учун етказиб берилган.

— Туман ҳокимликлари захирасидан меваги дарахт ниҳоллари олиб бериш учун ажратилган маблағнинг 307 миллион сўмига 98630 тупдан ортиқ кўчатлар олиб келиниб, 70 фоизи экиб бўлинди, — дейди вилоят молия бошқармаси

бошлигининг биринчи ўринбосари Барно Дўстов. — Бундан ташқари, тегишли масъул идоралар томонидан эҳтиёжманд аҳоли хонадонларига меваги дарахт кўчатлари олиб берилмоқда.

Урмон хўжаликлари, ободонлаштириш ва кўчат етиштирувчи бошқа корхоналар томонидан келтириладиган кўчатлар ҳудудлардаги "Томорқа хизмати" МЧЖлар орқали маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан



тавсия этилган хонадонларга етказиб берилмоқда.

Аҳад МУХАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

Молия муассасаларида

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиб, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 февраль — 1 март кунлари Наманган вилоятида бўлганида ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид кўплаб лойиҳалар билан танишиб, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш юзасидан мутасаддиларга тавсия ва топшириқлар берди.



Халқ банки миқозлар билан ишлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам энг илғорлар сафида.

Хизмат кўрсатишда илғорлар сафида

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигида "Тижорат банклари фаолиятида истиқболли ривожланиш йўналишларини белгилаш ва амалга оширишда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан тўпланган ижобий тажриба" мавзусида амалий семинар ташкил этилган фикримиз тасдиғидир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки охириги тўрт ой ичида молия муассасасида ушбу йўналишда кўплаб янгиликларга қўл урилди.

Миқозлар ҳисоб рақамидаги маблағларни "Интернет-банкнинг" ва "Мобиль-банкнинг" хизматлари орқали банк ишториксиз ўтказиш имконияти яратилгани, банк томонидан уларга 24/7 тартибда, узлуксиз, дам олиш кунларисиз хизмат йўналиш қўйилгани, миқоз ресурслар билан боғлиқ ҳеч қандай муаммога дуч келмаётгани шундай сайё-ҳаракатлар самарасидир.

Оқорида қайд этилган АТ Халқ банки тизимидаги янгиликларни, тажрибаларни устив капиталда давлат ишторики мавжуд банклар фаолиятига ҳам таъбиқ этиш бўйича тавсиялар берилди. Бу эса банклар ва миқозлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

Д. МУРОДОВ.

Хизматлар лицензияланган.

Спартакиада

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

Халқаро хотин-қизлар байрами шуқуҳи кезиб юрган айни кунларда турли вазирлик ҳамда идоралар томонидан жойларда учрашувлар, анжуман ва тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Мудофаа вазирлиги спорт клубида вазирлик кўшинларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида спартакиада ўтказилди. Спортнинг 7 тури бўйича кечган мусобақаларда 15 жамоа қатнашди.

Дастлаб шахмат, шашка, сузиш ва стол тенниси бўйича голиблар аниқланди. Сузишда Мудофаа вазирлиги Марказий алоқа тугуни ходими, сержант Ю. Келдишева, стол теннисидан Чирчиқ олий танк кўмондон-

лик-муҳандислик билим юрти вакили, кичик сержант А. Ҳабибова, шашкада кичик сержант М. Раҳмонова, "ақл гимнастикаси"да кичик сержант Р. Гарашенко муваффақият қозонди.

Чирчиқ дала ўқув майдонидан уюштирилган отиш бахслари ҳам қизгин ўтди. Унда Макаров пистолетидан отиш бўйича сержант З. Валихонова, Калашников автоматидан



отишда эса кичик сержант Ш. Хўжақуловага тенг келадиган рақиб топилмади.

Волейбол беллашувларини ҳам томошабинлар катта завқ билан кузатишди. Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ҳамда Марказий алоқа тугунидан таркиб топган жамоа Ҳаво

ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари вакилларига қарши баҳс олиб борди. Яқинда Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ҳамда Ҳарбий ҳаво кучлари аёлларидан иборат жамоа зафар кучди.

Умумий натижаларга кўра, Куролли Кучлар Академияси вакиллари биринчи, Мудофаа вазирлиги марказий аппарати ва Марказий алоқа тугуни жамоаси иккинчи, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти номидан қатнашган аёллар учинчи ўринни эгаллади.

Голиблар фахрий ёрлик, медаллар ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шавкат ОРТИҚОВ («Халқ сўзи»).

Мудофаа вазирлиги Матбуот хизмати сурати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

BOG'DOD KARVON
ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯСИ

«BOG'DOD KARVON»
жамоаси муҳтарама аёлларни қутлуғ сана

8 март —
Халқаро хотин-қизлар айёми билан қутлайди!

Тилагимиз,
ҳамиша баҳорий гўзаллик,
пок ният, қут-барака
сиз, азизларни
тарк этмасин!

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМОЙ ЖАМИЯТИ

2019 ЙИЛ УЧУН «БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, ТЕЛЕВИДИНИЕ, РАДИО ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚЎЖ ФАОЛИЯТИНИ ЭНГ ЯХШИ ЁРИТГАН ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ» ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти журналистларни ушбу аънаваный танловда иштирок этишга таклиф қилади. Бу йилги танлов Қизил Хоч ва Қизил Яримой халқаро ҳаракатининг 156 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Қизил Яримой жамиятининг 94 йиллигига бағишланади.

Танловнинг мақсади аҳолини Ўзбекистондаги энг «кекса» жамоат ташкилотининг фаолияти билан таништиришдир. Танлов инсонларварлик фаолиятининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш, ҳимояга муҳтож қатламлар (ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар, пенсионерлар, кўп болали кам таъминланган оилалар, етим болалар)ни ҳимоя қилиш фаолиятига ёшларни жалб этиш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқувчи вазифаларни, келгуси йили Ўзбекистон ҚЎЖ XXII курултойи ўтказилишига тайёргарлик, Миллий жамият устави талабларини ҳаётга жорий этиш, шунингдек, ижтимоий йўналишдаги лойиҳаларнинг бажарилишига қўмаклашишга қаратилган.

Танловга 2019 йилнинг 1 январидан 31 декабрга қадар республика ҳамда маҳаллий газеталарда, телевидение ва радионинг ахборот каналларида, интернет сайтларида эълон қилинган материаллар тақдим этилади. Танловга тахририятлар, муаллифлар ёки Ўзбекистон ҚЎЖ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Темир йўллар минтақавий ҳамда Тошкент шаҳар ташкилотлари томонидан тавсия этилган материаллар муаллифнинг иш жойи, телефон рақами, манзили кўрсатилган ҳолда, унинг паспорт нусхаси билан бирга 2020 йилнинг 20 январигача қабул қилинади.

Голибларни эълон қилиш, уларга мукофотларни топшириш 2020 йил март ойида бўлиб ўтади.

«Танловга» деб белгиланган материаллар куйидаги манзилга юборилиши лозим:
Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон ҚЎЖ.
Телефон: 71-150-14-90. E-mail: press_rcs@mail.ru
Ўзбекистон ҚЎЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги, Тошкент шаҳридаги ва Темир йўл минтақавий ташкилотлари.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: 95-197-00-93, 90-996-96-63, 99-871-88-99.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — **Бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!**

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 924 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 23.25 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6